ISSN:3030-332X
Impact factor: 9,493
International journal of scientific researchers

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ-ҲУҚУҚИЙ МЕҲАНИЗМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Жўрабоев Шахзодбек Ўктамович
мустақил тадқиқотчи
t12555624@gmail.com
Doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.20365248

Аннотация: Ушбу тадқиқот Ўзбекистон ташқи сиёсатида экологик хавфсизликни таъминловчи институционал-ҳуқуқий механизмларнинг таркибий элементлари, фаолият хусусиятлари ва самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишга бағишланган. Тадқиқотда 22 та халқаро ва миллий манба асосида экологик хавфсизликнинг концептуал асослари, Ўзбекистоннинг халқаро экологик ҳамкорлиги доирасидаги институционал тузилмалари ва уларнинг амалий натижадорлиги баҳоланган. Натижалар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон экологик хавфсизлик соҳасида етарлича ривожланган ҳуқуқий-меъёрий базага эга бўлсада, институционал координациянинг заифлиги ҳамда мониторинг тизимларининг етарли даражада ишламаслиги институционал-ҳуқуқий механизмлар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Тадқиқот натижалари экологик хавфсизликни таъминлашнинг интеграциялашган ёндашувини талаб қилиши ва кўп томонлама ҳамкорликнинг заруратини кўрсатади.

Калит сўзлар: экологик хавфсизлик, ташқи сиёсат, институционал механизмлар, халқаро ҳамкорлик, Орол денгизи муаммоси, трансчегаравий сувлар.

Кириш

XXI асрда экологик муаммолар хавфсизликнинг анъанавий тушунчасини қайта кўриб чиқишга олиб келди ва экологик хавфсизлик глобал ҳамда минтақавий хавфсизлик тизимининг мустақил компоненти сифатида тан олинмоқда.

Экологик хавфсизлик - бу давлат, жамият ва инсон учун экологик таҳдидлар ва хавф-хатарларнинг йўқлиги ёки минимал даражада бўлишини таъминлайдиган ҳолатдир[1].

Ўзбекистон учун экологик хавфсизлик масаласи айниқса долзарб бўлиб, бу Орол денгизи фалокатининг оқибатлари, трансчегаравий сув ресурсларининг тақчиллиги, иқлим ўзгариши таъсири ва биологик хилма-хилликнинг йўқолиши каби мураккаб экологик муаммолар билан боғлиқдир.

Экологик хавфсизликни таъминлаш замонавий шароитда бир давлатнинг ички имкониятлари доирасида ҳал этиб бўлмайдиган мураккаб муаммога айланган. Бу ҳолатда халқаро ҳамкорлик ва ташқи сиёсат инструментларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида “яшил иқтисодиёт” га ўтиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва иқлим ўзгаришига мослашиш масалалари алоҳида устувор вазифалар сифатида белгиланган[2].

Тадқиқотнинг долзарблиги Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлик соҳасидаги ташқи сиёсатини амалга оширишда институционал-ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини ошириш зарурати билан белгиланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон 20 дан ортиқ экологик соҳадаги халқаро шартномалар иштирокчиси ҳисобланади, бироқ ушбу шартномаларнинг бажарилишини таъминловчи миллий механизмларнинг самарадорлиги тўлиқ ўрганилмаган.

---

[1] Barnett J. The Meaning of Environmental Security: Ecological Politics and Policy in the New Security Era. – London: Zed Books, 2001. 45 б.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони. 28.01.2022 й.

Тадқиқотнинг мақсади - Ўзбекистон ташқи сиёсатида экологик хавфсизликни таъминлашда институционал-ҳуқуқий механизмларнинг хусусиятлари ва уларнинг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлашдир.

Тадқиқот вазифалари: 1. Экологик хавфсизликнинг концептуал-назарий асосларини таҳлил қилиш; 2. Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини ўрганиш; 3. миллий институционал механизмлар тизимини тавсифлаш; 4. механизмларнинг амалий самарадорлигини баҳолаш; 5. самарадорликка таъсир этувчи омилларни аниқлаш.

МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотда қуйидаги усуллардан фойдаланилди: тизимли таҳлил усули - экологик хавфсизликни таъминловчи механизмларни ўзаро боғлиқ элементлар тизими сифатида ўрганишда; институционал таҳлил усули - давлат институтлари фаолиятининг таркибий тузилмаси ва функционал хусусиятларини баҳолашда; қиёсий-ҳуқуқий усул - халқаро ва миллий экологик қонунчилик ҳужжатларини таққослашда; статистик таҳлил усули - экологик кўрсаткичлар динамикасини ўрганишда; ҳужжатлар таҳлили усули - расмий давлат ҳужжатлари, халқаро шартномалар, илмий публикациялар ва ҳисоботларни таҳлил қилишда қўлланилди.

Тадқиқот манбалар базаси икки асосий гуруҳдан иборат:

1. меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар - Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Президент фармонлари, халқаро шартномалар ва конвенциялар;

2. илмий-таҳлилий манбалар - экологик хавфсизлик, халқаро муносабатлар ва экологик ҳуқуқ бўйича халқаро ва маҳаллий илмий адабиётлар.

Тадқиқотда 2017–2025 йиллар даври асосий таҳлил даври сифатида қабул қилинди, чунки айнан шу даврда Ўзбекистон экологик сиёсатида тизимли институционал ва ҳуқуқий ўзгаришлар амалга оширилди.

Эмпирик маълумотлар Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат статистика агентлиги ҳамда халқаро ташкилотлар - БМТ Атроф-муҳит дастури, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки ҳисоботларидан олинди. Маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида бир нечта манбалардаги ахборотлар ўзаро солиштирилди ва верификация қилинди.

Тадқиқотнинг чекловлари қуйидагилардан иборат: 1. айрим халқаро шартномаларни бажариш бўйича батафсил маълумотларнинг оммавий фойдаланишда мавжуд эмаслиги; 2. баъзи институционал механизмлар ташкил этилганидан бери қисқа вақт ўтганлиги сабабли уларнинг узоқ муддатли самарадорлигини тўлиқ баҳолаш қийинлиги; 3. экологик жараёнларнинг кўп омилли табиати туфайли ягона сабаб-оқибат боғланишларини аниқлашнинг мураккаблиги.

НАТИЖАЛАР

Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари

Ўзбекистон мустақиллик даврида экологик хавфсизлик соҳасида кенг кўламли халқаро-ҳуқуқий базани шакллантирди. Таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон 2024 йил ҳолатига кўра 20 дан халқаро экологик шартномалар иштирокчиси ҳисобланади (1-жадвал). Бу шартномалар уч асосий гуруҳга бўлинади: глобал экологик шартномалар; минтақавий шартномалар; икки томонлама шартномалар.

№	Шартнома номи	Қабул қилинган йил	Асосий мажбуриятлар
1	Иқлим ўзгариши тўғрисида БМТ Рамкавий конвенцияси	1993	Иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш
2	Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисида Вена конвенцияси	1993	Озон қатламини йўқ қилувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш

3	Биологик хилма-хиллик тўғрисида Конвенция	1995	Биологик ресурсларни сақлаш, улардан барқарор фойдаланиш
4	Чўлланишга қарши кураш Конвенцияси	1995	Тупроқ деградациясининг олдини олиш, экотизимларни тиклаш
5	Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан халқаро савдо тўғрисида Конвенция (CITES)	1997	Йўқолиб кетиш хавфи остида турган турлар савдосини тартибга солиш
6	Сув-ботқоқ ерларни муҳофаза қилиш тўғрисида Рамсар конвенцияси	2001	Сув-ботқоқ ерларни сақлаш
7	Париж келишуви	2018	2030 йилга қадар иссиқхона газлари чиқиндиларини 35% камайтириш
8	Орхус конвенцияси	2025	Экологик қарорлар қабул қилишда шаффофликни таъминлаш ва аҳолининг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

1-жадвал: **Ўзбекистоннинг асосий халқаро экологик шартномалар бўйича мажбуриятлари**

Глобал экологик шартномалар орасида энг муҳимлари Биологик хилма-хиллик тўғрисида Конвенция (1992), Иқлим ўзгариши тўғрисида БМТ Рамкавий конвенцияси (1992), Париж келишуви (2015) ҳамда Чўлланишга қарши кураш Конвенцияси (1994) ҳисобланади. Ўзбекистон 2018 йилда Париж келишувини ратификация қилиб, 2030 йилга қадар иссиқхона газлари чиқиндиларини 2010 йил даражасига нисбатан 35% камайтириш мажбуриятини олди[3].

Минтақавий даражада Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан Орол денгизи ҳавзасини қутқариш бўйича ҳамкорлик шартномаларининг иштирокчисидир. 1993 йилда ташкил этилган Халқаро Орол денгизини қутқариш жамғармаси (IFAS) доирасида Ўзбекистон минтақавий экологик ҳамкорликни ривожлантиришга қатъий интилишини намоён этди.

Икки томонлама шартномалар асосан қўшни давлатлар билан трансчегаравий сувлар, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш масалаларини тартибга солади. Ўзбекистон Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон билан экологик ҳамкорлик тўғрисида 15 та икки томонлама шартнома имзолаган.

Институционал механизмларнинг тизими

Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлашда қатнашадиган институционал тузилмалар иерархик тизим шаклида ташкил этилган. Ушбу тизим уч даражани ўз ичига олади: стратегик бошқарув, оператив бошқарув ва ижро даражаси.

2025 йил охирида Ўзбекитон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг тузилиши ва унинг бевосита Президентга ҳисобдор этиб белгиланиши экологик хавфсизликни давлат сиёсатининг энг юқори стратегик даражасига олиб чиқилганини англатади. Ушбу институционал трансформация ташқи сиёсат нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки қўмитанинг Вазирлар Маҳкамаси тизимидан чиқарилиб, мустақил ваколатли орган сифатида шакллантирилиши халқаро экологик музокараларда миллий позицияни марказлашган тарзда ишлаб чиқиш ва илгари суриш имконини кучайтиради. Айниқса, иқлим ўзгариши, трансчегаравий сув ресурслари, чўлланишга қарши кураш ва биохилма-хилликни муҳофаза қилиш каби масалалар глобал ва минтақавий кун тартибининг ажралмас қисмига айланган шароитда, қўмитанинг ягона давлат сиёсати ва назоратини амалга оширувчи орган сифатида белгиланиши Ўзбекистоннинг халқаро экологик мажбуриятларини бажаришда институционал барқарорликни таъминлайди. Шу билан бирга, Экологик назорат давлат инспекцияси

[3] UNFCCC. Uzbekistan's Progress Report on NDC Implementation. Bonn, 2024.

(Экополиция)га ҳуқуқни муҳофаза қилиш ваколатларининг берилиши экологик қонунчилик ижросини кучайтириш орқали мамлакатнинг халқаро экологик рейтинглар ва ҳисоботлардаги кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, бу эса ташқи сиёсий имиж ва "яшил дипломатия" салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ташқи ишлар вазирлиги таркибида фаолият кўрсатаётган Халқаро экологик ҳамкорлик бўлими Ўзбекистоннинг экологик дипломатиясини амалга оширишда марказий роль ўйнайди. Бу бўлим халқаро экологик музокаралар, шартномалар имзолаш ва ратификация қилиш жараёнларида иштирок этади.

Координацион механизмлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Президент ҳузуридаги Иқлим кенгаши ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича махсус комиссия фаолият кўрсатмоқда. Бироқ, ушбу координацион органларнинг самарадорлиги чекланган, чунки улар асосан маслаҳат функциясига эга ва қарорлари мажбурий кучга эга эмас.

Молиявий механизмлар тизими

Экологик хавфсизликни таъминлашнинг молиявий механизмлари ички ва ташқи манбаларни ўз ичига олади (2-жадвал). Ички манбалар давлат бюджети, Республика экологик фонди ва махсус экологик тўловлардан иборат. Ташқи манбалар халқаро донорларнинг грантлари ва кредит ресурслари ҳисобланади.

Молиялаштириш манбаи	**2017**	**2019**	**2021**	**2023**
Давлат буюджети	87.3	112.6	158.4	203.7
Республика экологик фонди	23.5	31.2	42.8	58.6
Халқаро донорлар грантлари	45.8	67.4	89.3	124.5
Халқаро кредит ресурслари	32.1	58.9	95.7	142.8
Жами:	188.7	270.1	386.2	529.6

2-жадвал. **Ўзбекистонда экологик тадбирларни молиялаштириш таркиби (млн. АҚШ доллари)**

Маълумотлар таҳлили экологик тадбирлар учун умумий молиялаштириш ҳажми 2017-2023 йилларда 2,8 баробарга ошганини кўрсатади. Бироқ, экологик харажатларнинг ЯИМга нисбати ўртача 0,8% ни ташкил этади, бу халқаро тавсия этилаётган минимал 2% даражадан анча паст.

2023 йилда халқаро донорлар грантлари ва кредитларининг умумий улуши 50,4% ни ташкил этди. Асосий халқаро ҳамкорлар Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа реконструкция ва тараққиёт банки, БМТ Атроф-муҳит дастури, Европа Иттифоқи ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий механизмлар

Ўзбекистоннинг экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги миллий қонунчилик тизими икки даражадан иборат: конституциявий асослар ва махсус экологик қонунчилик. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида "Фуқаролар экологик жиҳатдан соғлом муҳитда яшаш ҳуқуқига эга" экани белгиланган[4].

Экологик қонунчилик тизимининг асосини "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида" ги қонун (1992, 2024 йилда янги таҳрирда қабул қилинган) ташкил этади. Шунингдек, 23 та махсус экологик қонун қабул қилинган: "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида" (1996), "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида" (1993, 2023 йилда янги таҳрирда), "Ўрмон тўғрисида" (1999),

[4] https://lex.uz/docs/6445145

“Йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонот ва ўсимликлар турлари тўғрисида” (2016), “Иқлим ўзгаришига мослашиш тўғрисида” (2023). 2023 йилда қабул қилинган “Иқлим ўзгаришига мослашиш тўғрисида”ги қонун Ўзбекистон учун муҳим қадам бўлди. Ушбу қонун миллий стратегиянинг ҳуқуқий асосини яратди ва Париж келишуви бўйича мажбуриятларни бажариш механизмларини белгилади.

Мониторинг ва баҳолаш механизмлари

Экологик ҳолатни мониторинг қилиш тизими Гидрометеорология хизмати маркази, Экологик мониторинг миллий тармоғи ва махсус лабораториялар негизида ташкил этилган. Бироқ, мониторинг тизимининг техник жиҳозланиши ва методологик базаси етарли даражада эмас.

Халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича миллий ҳисобот бериш механизми шаклланган. Ўзбекистон ҳар йили Биологик хилма-хиллик конвенцияси ва Иқлим ўзгариши конвенцияси секретариатларига миллий ҳисоботлар тақдим этади. Бироқ, ҳисоботларнинг сифати ва ўз вақтида тақдим этилиши бўйича муаммолар мавжуд.

Механизмларнинг амалий самарадорлиги

Институционал-ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар таҳлил қилинди: халқаро мажбуриятларни бажариш даражаси, экологик кўрсаткичлар динамикаси, халқаро рейтингларда Ўзбекистон позицияси (3-жадвал).

Кўрсаткичлар	**2017**	**2020**	**2023**	**Ўзгариш (%)**
Атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқиндиси (млн. тонна)	3.89	3.56	3.21	-17.5
Сувдан самарали фойдаланиш коэффициенти (%)	52	58	64	+23.1
Қайта тикланадиган энергия улуши (%)	7.2	10.8	14.6	+102.8
Ўрмонли ҳудудлар майдони (млн. га)	3.28	3.64	4.12	+25.6
Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар улуши (%)	3.8	4.9	6.2	+63.2
Иссиқхона газлари чиқиндиси (MtCO2)	198.4	183.7	174.2	-12.2

3-жадвал. **Ўзбекистоннинг экологик кўрсаткичлар динамикаси**

Натижалар айрим ижобий тенденцияларни кўрсатади: атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқиндиси 17,5% га камайган, қайта тикланадиган энергия улуши икки баробар ошган, муҳофаза қилинадиган ҳудудлар улуши 63,2% га ўсган. Бироқ, мазкур кўрсаткичлар халқаро стандартлар даражасига тўлиқ етмаган.


Шунингдек, Экологик самарадорлик индекси (Environmental Performance Index – EPI) бўйича Ўзбекистон 2022 йилда 180 мамлакат орасида 107-ўринни эгаллади. Бу натижа институционал ва ҳуқуқий механизмлар самарадорлигининг чекланганлигидан далолат беради[5].

МУҲОКАМА

[5] M. J. Wolf, J. W. Emerson, D. C. Esty, A. de Sherbinin, Z. A. Wendling, 2022 Environmental Performance Index, Yale Center for Environmental Law & Policy & Center for International Earth Science Information Network, 2022, Uzbekistan country profile, available at: https://epi.yale.edu/epi-results/2022/country/uzb

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон экологик хавфсизликни таъминлашда институционал-ҳуқуқий механизмларнинг етарлича кенг тизимини шакллантирган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси қайта ташкил этилгани соҳада марказлаштирилган бошқарувни кучайтиришга қаратилган муҳим қадам бўлди. Бироқ мазкур механизмларнинг амалий самарадорлиги қатор омиллар билан чекланмоқда. Таҳлил натижаларига кўра, самарадорликка таъсир этувчи беш асосий омил гуруҳи аниқланди (2-расм).

2-расм. Самарадорликка таъсир этувчи омиллар



Институционал омиллар

Асосий муаммо турли давлат органлари ўртасида координациянинг етарли даражада эмаслиги ҳисобланади. Экологик масалалар 10 дан ортиқ вазирлик ва идоралар ваколатига киради, аммо улар фаолиятини самарали мувофиқлаштирувчи ягона механизм тўлиқ шаклланмаган. Экология қўмитаси бошқа вазирликлар фаолиятини координация қилиш учун чекланган ваколатларга эга. Бу ҳолат вертикал ва горизонтал бошқарув алоқаларининг заифлашувига олиб келмоқда.

Ўхшаш муаммолар бошқа ривожланаётган мамлакатларда ҳам кузатилган. Масалан, Хитой тажрибасида эса экологик бошқарув самарадорлиги марказлаштирилган координация органи ташкил этилгандан сўнг сезиларли даражада ошган.

Молиявий омиллар

Экологик тадбирларни молиялаштиришнинг етарли эмаслиги механизмлар самарадорлигини чекловчи асосий омиллардан биридир. Давлат бюджети маблағларининг чекланганлиги ва халқаро молиявий манбалардан тўлиқ фойдаланилмаётгани кузатилмоқда. Ўзбекистонда экологик харажатлар ЯИМнинг тахминан 0,8%ини ташкил этади, бу Европа мамлакатларидаги ўртача 2–3% кўрсаткичдан анча паст. Бу ҳолат экологик ислоҳотларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муаммолар мавжудлигини кўрсатади[6].

Норматив-ҳуқуқий омиллар

Ўзбекистон қонунчилигида экологик меъёрлар ва стандартлар шаклланган бўлсада, уларнинг амалий ижросини таъминловчи механизмлар заиф ривожланган. Қонунбузарлик учун жавобгарлик чоралари кўп ҳолларда профилактик характерда бўлиб қолмоқда. 2023 йилда экологик қонунчиликни бузиш ҳолатларининг 68%и жарималарни қисман тўлаш ёки оғзаки

[6] Jahon banki. (2022). Environmental Expenditure Review for Uzbekistan. Washington, D.C.: World Bank Group.

огоҳлантириш билан якунлангани ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пастлигидан далолат беради.

Технологик ва маълумот омиллари

Мониторинг тизимининг техник жиҳатдан етарлича жиҳозланмагани ва ахборот базаларининг мукаммал эмаслиги экологик ҳолатни объектив баҳолашни қийинлаштиради. Замонавий рақамли технологиялар, жумладан сунъий йўлдош мониторинги ва автоматлаштирилган маълумот йиғиш тизимларидан фойдаланиш даражаси паст. Экологик маълумотларнинг очиқлиги ва жамоатчиликка етказилиши ҳам тизимли равишда ташкил этилмаган.

Амалий таклифлар

Бошқа мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги йўналишлар самарадорликни ошириши мумкин:

1. Кучли координацион марказ яратиш - Экология қўмитаси ваколатларини кенгайтириш.
2. Молиявий базани кенгайтириш - экологик солиқлар тизимини такомиллаштириш, яшил облигациялар чиқариш, хусусий сектор инвестицияларини жалб қилиш.
3. Мониторинг тизимини модернизация қилиш - рақамли платформалар жорий этиш, сунъий йўлдош мониторингидан фойдаланиш.
4. Кўп томонлама ҳамкорликни кучайтириш - минтақавий механизмларни фаоллаштириш ва глобал экологик бошқарув тизимида фаол иштирок этиш.

Тадқиқот чекловлари

Экологик таъсирнинг кўп омилли табиати ва айрим давлат органлари маълумотларининг ёпиқлиги комплекс ва тўлиқ объектив баҳолашни чеклайди. Шунингдек, 2019-2023 йилларда ташкил этилган янги институтларнинг узоқ муддатли самарадорлигини баҳолаш учун етарли эмпирик маълумот мавжуд эмас.

Кейинги тадқиқот йўналишлари

1. Экологик дипломатияда Ўзбекистоннинг “soft power” салоҳиятидан фойдаланиш механизмларини ўрганиш.
2. Яшил иқтисодиёт тамойилларини ташқи сиёсатга интеграция қилиш йўлларини таҳлил этиш.
3. Минтақавий экологик хавфсизлик комплексини шакллантириш имкониятларини тадқиқ этиш.
4. Иқлим ўзгаришининг хавфсизликка таъсирини моделлаштириш ва прогнозлаш методологиясини ишлаб чиқиш.

Хулоса

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлашнинг институционал-ҳуқуқий механизмлари тизими мавжудлиги ва изчил ривожланиш жараёнида эканлигини кўрсатади. Бироқ мавжуд механизмларнинг самарадорлиги қатор тизимли омиллар билан чекланмоқда: институционал координациянинг заифлиги; молиявий ресурсларнинг етарли эмаслиги; мониторинг ва назорат тизимларининг техник ҳамда ташкилий жиҳатдан носозлиги; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда тўлиқ қўлланилмаслиги; кўп томонлама халқаро ҳамкорликнинг чекланганлиги.

Экологик хавфсизликни таъминлашда институционал-ҳуқуқий механизмлар самарадорлигини ошириш учун комплекс ва интеграциялашган ёндашув зарур. Бундай ёндашув қуйидаги устувор йўналишларни ўз ичига олиши лозим: вазирлик ва идоралараро координацияни кучайтириш; молиявий базани кенгайтириш ва диверсификация қилиш; мониторинг тизимини замонавий технологиялар асосида модернизация қилиш; қонунчилик ижроси механизмларини мустаҳкамлаш; минтақавий ва глобал экологик ҳамкорликни фаоллаштириш; фуқаролик жамияти ва хусусий сектор иштирокини институционаллаштириш.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлик соҳасидаги ташқи сиёсат самарадорлиги миллий барқарор ривожланишни таъминлаш ва Марказий Осиё минтақасида узоқ

муддатли барқарорликни мустаҳкамлаш учун стратегик аҳамият касб этади. Экологик хавфсизликни эндиликда фақат ички сиёсат масаласи сифатида эмас, балки глобал ва минтақавий хавфсизлик тизимининг ажралмас таркибий қисми сифатида кўриб чиқиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Barnett J. The Meaning of Environmental Security: Ecological Politics and Policy in the New Security Era. – London: Zed Books, 2001. 45 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони. 28.01.2022 й.
3. UNFCCC. Uzbekistan’s Progress Report on NDC Implementation. Bonn, 2024.
4. https://lex.uz/docs/6445145
5. M. J. Wolf, J. W. Emerson, D. C. Esty, A. de Sherbinin, Z. A. Wendling, 2022 Environmental Performance Index, Yale Center for Environmental Law & Policy & Center for International Earth Science Information Network, 2022, Uzbekistan country profile, available at: https://epi.yale.edu/epi-results/2022/country/uzb
6. Jahon banki. (2022). Environmental Expenditure Review for Uzbekistan. Washington, D.C.: World Bank Group.